

УЎТ: 631.481;311.

**ГУЛИСТОН ТУМАНИ ТУПРОҚЛАРИ ҚОПЛАМИ ВА УЛАРНИНГ
УНИМДОРЛИГИ****К.И.Файзиев***Гулистон давлат университети Тупроқшунослик кафедраси қ.х.ф.ф.д
(PhD)., доцент***J.K.Solijonov***Гулистон давлат университети Тупроқшунослик кафедраси 70810901-
Agronomiya yo'nalishi magistri*

Аннотация. Мақолада Гулистон туманининг географик жойлашуви ва суғорилиш тарихи ёритилган. Бундан ташқари ҳудудда тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқларнинг қисқача тавсифи ва уларнинг унимдорлик даражалари келтирилган.

Калит сўзлар: Гумус, ҳаракатчан фосфор, калий, грануламетриқ таркиб, шўрланиш даражаси, бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ,

Аннотация. В статье излагается географическое расположение и истории орошение Гулистанского района. Кроме того дано краткое характеристика гидроморфных почвы распространенных в этом территории и их оценка плодородие.

Ключевые слова: Гумус, подвижный фосфор, калий, гранулометрической состав, степень засоление, сероземно - луговые, луговое - сероземные, луговые, болотно-луговые, лугово-болотные.

Abstract. The article sets out the geographical location and history of irrigation in the Gulistan region. In addition, a brief description of hydromorphic soils distributed in this territory and their assessment of fertility are given.

Key words: Сирдарё дарёсининг ўрта оқими чап соҳилида Мирзачўл ва Жиззах чўллиги, ўнг қирғоқда тоғолди ва Тошкент олдидаги ваҳони қамраб олади.

Ҳудуд маъмурий жихатдан учта йирик- Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятига бўлинади. Суғориладиган ерларнинг умумий майдони 985 минг гектарни ташкил этади. Шунинг 390,9 минг гектари Тошкент вилоятига, 300,5минг гектари Жиззах вилоятига ва 293,6минг гектари Сирдарё вилоятига тўғри келади. Мирзачўл ва Жиззах чўлининг асосий сув ресурс манбайи Сирдарё саналади. Сирдарё вилоятининг Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманлари ва Сирдарё туманининг худидининг бир қисми

Сирдарё дарёсининг I ва II қайир усти терассаларида жойлашган. Тарихчи олимларнинг ёзишича Сирдарё сувини чўлга чиқариш учун X-XV асрларда ҳаракатлар бошланиб бир қанча ариқ ва каналлар қазилган. Шундай ариқлардан бири, ҳозирги Гулистон туманининг “Боёвут” СИУ ҳудудига яқин ердан Сирдарёнинг чап қирғоғидан чиққан Ўринбой ариқ ҳисобланиб у дарё қайирларидан ўтиб, чўлнинг дарёга яқин қисмларидан 7 минг гектар ерларга сув берган. Николай I канали 1893 куриб битказилди ва Мирзачўлнинг шимолий- шарқий қисмдаги 7,6 минг гектар ерларни суғорди. Бу ерлар икинчи бор сув кўрди [3]. 1913 йилда Князарик - (ҳозирги Дўстлик канали) ишга туширилган. 1911 йилда суғориладиган ерларнинг майдони 12 минг гектарни ташкил этган. 1910 йилдан 1914 йилгача 95 минг гектар ер ўзлаштирилиб, шундан 60минг гектар ер майдонлари шўрланиш ва ботқокланиш натижасида ишдан чиқганлиги аниқланган. 1914 йилда муҳандис Г.К Резенкампф Мирзачўлни суғоришнинг бош лойиҳа схемасини ишлаб чиққан, унга кўра, 540 минг гектар ўзлаштирилиши мўлжалланган, лекин лойиҳа бу даврда амалга олмади [2].

Гулистон тумани Сирдарёнинг чап соҳилининг қайир ва I –чи, II –чи қайир усти терассаларида жойлашган бўлиб қишлоқ хўжалиги ер турлари бўйича умумий майдони 23888,4 гектарни, шундан суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер тур майдонлари 22891,3 гектарни ташкил этади. Туман ҳудудининг суғориладиган ерларида боғдорчилик, эртаги, ўртаги ва кечки мава-сабзоват, полиз, илдиз-мевали қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир асосий техник экинлардан ҳисобланган ғўза ва ғалла экинлари етакчи ўринларни эгаллайди.

Туман ҳудуди Мирзачўл текислигида жойлашган бўлиб тупроқ ҳосил қилувчи жинслар лёсс ва лёссимон қумоқлар, дарё ўзанига яқин ҳудудларида аллювиал-пролювиал ётқизиқли қумли тош-шағали қатламлар тўшалган. Ҳудуднинг ер ости сувларининг асосий манбаи ер юзаси, ер ости ва атмосфера ёғинлари ҳисобланади. Ер ости сувларининг табиий оқими жуда кичик қиялик остида билимсиз секинлик билан жанубий-шарқдан, шимолий ғарбга томон ҳаракатланади. Ҳозирги суғорма деҳқончилик шароитида сув билан таъминланганлиги, сув ўтказиш қоблияти ҳамда геоморфологик тузилишларига кўра, ҳудуднинг ер ости сувлари сатҳи 1-2,5м, марказий қисмларида 2-2,5м, Шўрўзак ботиқликлари ва туманнинг шимолий-шарқий ҳудудларида бир мунча юқорида жойлашган[1]. Суғориш натижасида вертикал сув алмашинувининг кучайиши ва тупроқ профилининг дойимий намланиб туриши натижасида сув режимининг иригацион типга ўтиши туфайли гидроморфизим жараёнининг пайдо

бўлиши билан автоморф тупроқлардан ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлар қаторига ўтиб икиламчи шўрланишларнинг содир бўлишига муҳит яратилган. Шунинг учун туманнинг асосий ер ресурси шўрланмаган ва ҳар хил даражада шўрланган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи ҳамда кичик майдонларни эгаллаган ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи- ботқоқ тупроқлардан иборат.

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар келиб чиқишига кўра ўткинчи бўлиб, оч тусли бўз тупроқдан ўтлоқи тупроққа ўтаётган ер ости сувлари сатҳи 3-4м, жойлашган даврий кўтарилиб турадиган, ярим гидроморф тупроқ.

Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар енгил ва ўрта баъзан оғир кумоқли. Тупроқнинг юқори қаватларида оч кулранг чириндили қатлам ажралиб туради ва чиринди миқдори 1,17-1,50% атрофида. Ҳаракатчанг фосфорлар 8,0-15,6 мг/кг, алмашинувчи калий 128-190 баъзан 240-275мг/кг ни ташкил қилади. Ҳайдов қатлам остида карбонатли қатламлар бўлиб , карбонатнинг миқдори 7-8% ни ташкил қилади. Бўз-ўтлоқи тупроқлар шўрланишга мойил бўлиб кучсиз, ўртача ва баъзан кучли даражада шўрланган, кучсиз даражада гипслашган.

Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар пролювиал-аллювиал ва лёссимон ётқизиклар устида ривожланган, сизот сувлари сатҳининг пасайиши ҳисобига пайдо бўлаётган ўтлоқи ва бўз тупроқлар ўртасидаги оралик тупроқ бўлиб, морфологик белгиларида гидроморфизим жараёнлари аниқ кўриниб туради.

Чиринди миқдори ҳайдов қатламида ўртача 0,80-1,05% гача, профилнинг қуйи томонига қараб камайиб боради. Ҳаракатчанг фосфор 8,00-14,5 мг/кг, калий 40-98, баъзан 275-320мг/кг атрофида. Тупроқ остида карбонатларнинг юқори даражада бўлиши, кулранг ва оч доғларнинг 0,8-1,0 м, дан учираши қолдиқ гидроморфизим белгилари ҳисобланади.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар. Тупроқ пайдобўлиш жараёнида фаол таъсир этувчи ер ости сувлари сатҳи 1,5-2,0м да бўлган шароитда шакилланган. Туманнинг худудининг I ва II қайир усти терассаларида лёссимон ва кўл-аллювиал ётқизиклар устида тарқалган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар текисликда ер ости сувлари окимининг секин ҳаракатланиши ва суғоришнинг дойимилиги, ҳамда суғорилган даладан чиқан ва ортиқча сувларнинг ташлаб кўйилиши туфайли сизот сувлари сатҳи кўтарилиб тупроқнинг қуйи қатламининг намланиб туришидан вужудга келади. Натижада ер ости сувлари кўтарилиб автоморф бўз тупроқлар-бўз-ўтлоқи(оралик)-гидроморф ўтлоқи тупроқларга айланган.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда гумус миқдори ўртача 1,21-1,46% атрофида тебранади. Ҳаракатчанг фосфор 3,30-7,35 мг/кг гача, калий ўртача 145 дан 275 мг/кг гачани ташкил қилади. Механик таркибига кўра оғир, ўрта ва енгил кумоқлидир. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар турлича даражада шўрланган. Бу тупроқларга мелиоратив ва агротехник тадбирларни тўғри қўллаб, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини ошириш мумкин.

Суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, шакилланиш жойнинг рельефи ва ирригацион тизимлар тузилмасига боғлиқ бўлиб, ортиқча суғориш ва захкашлар сувларини бетартиб ташлаб қўйилиши, баъзи жойларда табиий ҳолатда ер ости сувлари юзага жуда яқин жойлашган II ва I қайир усти террасаларидаги ботқоқлик ва чўкмаларида тарқалган. Механик таркибига кўра суғориладиган ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар оғир кумоқли бўлиб, остида енгил кумоқлар ва кумлар тўшалган. Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар суғорма деҳқончиликда фойдаланиган ва кейинги йилларда қўриқ ташландик сифатида қолган майдонлар ҳам учрайди.

Туман ҳудудида тарқалган суғориладиган тупроқлар унимдорлик сифат кўрсаткичларга бешта синфга бирлаштирилди.

Туман ҳудудида унимдорлиги ўта паст бўлиб, сифати бўйича ёмон бўлган I ва II классларга мансуб ерлар учрамайди.

Иккинчи кадастир яъни III ва IV классга мансуб ерлар суғорма деҳқончиликка жалб қилинган ерларнинг 438,2 гектарини ташкил қилади. Бу ерлар қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришига киритилаётган ўзлаштирилаётган ва маданийлаштирилаётган ерлар бўлиб бонитет балли 21-40га тенг.

Учинчи кадастир яъни V ва VI классга кирувчи суғориладиган ерлар 16869,7 гектарни ташкил этади. Бу ерлар унимдорлик сифат кўрсаткичи бўйича бонитет балли 41-60 га тенг.

Тўртинчи кадастир зонага VII ва VIII классга мансуб сифат кўрсаткичи 61-80 балл билан баҳоланган, маданийлаштирилган узок муддатан бери суғорилаётган, тупроқ хосса –хусусиятлари яхшиланган, унимдорлик даражаси ошган ерлар 5583,4 гектарни ташкил қилади. Бу экин майдонларига қишлоқ хўжалигининг ҳамма экин турларини экиб агротехника ва мелиорация тадбирларига риоя қилга ҳолда юқори ҳосил олса бўлади.

Бешинчи кадастир зонага IX ва X классга мансуб, унимдорлиги бўйича сифат кўрсаткичи 81-100 баллда баҳоланадиган энг яхши ерлар туман ҳудудида учирамади.

Туман ҳудуда тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларнинг умумий майдони 22891,3 гектарни ташкил қилиб, ўртача бонитети 54,0 балл билан баҳоланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Исманов А.Ж., Сектименко В.Е. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг суғориладиган тупроқлари / Монография. - Тошкент: «Фан» нашр., 2005. I-боб. - 6-20 б.
2. Мирзачўл // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: “Давлат” илмий нашриёти, 2003. 5-жилд., - 696-697 б.
- 3.ЭгамбердиевР., Раззоқов А. Ўзбекистонда кўрик ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи /Монография.-Тошкент: «Фан»нашриёти.,17-18 б.